

«Андижон биокимё заводи» акциядорлик жамиятининг 2017 йил учун тузилган молиявий
хисоботи бўйича ўтказилган аудиторлик текширув натижаларига

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Реквизитлар: Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти,
170120.Андижон шахри, Навоий шоҳ кўчаси 87-үй. x/p.20208000503781766001 ТИФ «Миллийбанк» Андижон шахар
бўлими, МФО 00074, ИНН 202 554 997, ОКОНХ 84400, тел.0(374) 223 19 22
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2008й 30 январда берилган 00211-сонли лицензияси
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 й 11 апрелда берилган 479-сонли гувохнома

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти раҳбари
Бурхонов Зафарбек (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 25 октябрда
берилган №05264-рақамли Аудиторлик малака сертификати эгаси) аудитор Абдурахмонова
Тохира Ганиевна (Молия Вазирлигининг 2014 йил 28 июнда берилган 05206-рақамли аудиторлик
малака сертификати эгаси) томонидан «Андижон биокимё заводи» акциядорлик жамияти билан
тузилган шартномага асосан жамиятнинг 2017 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги
молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари акс эттирилган молиявий хисоботлари аудиторлик
текширувидан ўтказилди.

Аудит ўтказиш учун корхона томонидан қуйидаги хужжатлар тақдим этилган. Молиявий
хисоботлар: 1-шакл «Баланс», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот», 4-шакл «Пул
оқимлари тўғрисида хисобот», 5-шакл «Хусусий капитал тўғрисида хисобот» ва унинг иловалари
хамда бухгалтерия бошлангич хужжатлари, журнал ордерлар, хамда давлат органларига
топширилган хисоботлар.

Текшириш учун тақдим этилган хисоботларни тайёрлаш ва бошлангич хужжатларнинг
хаққонийлиги ва тўғрилиги бўйича масъулият жамият раҳбари яти ва бош хисобчиси зиммасига
юклатилган.

Бизнинг вазифамиз текшириш учун тақдим этилган хужжатлар маълумотлари асосида
жамият томонидан 2017 йил мобайнida амалга оширилган молиявий-хўжалик муомалаларини
бухгалтерия хисобида тулик ва тугри акс эттирилганлиги, бухгалтерия ўтказмалари тугрилик
даражаси ва хисоб варақалар қолдиқларининг хаққонийлиги тўғрисида хамда молиявий
хисоботларда корхона молиявий-хўжалик фаолияти натижаларининг хақиқий холати акс
эттирилганлиги тўғрисида фикр билдиришдан иборат.

Текшириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Бухгалтерия хисоби ва
аудитнинг миллий андозлари асосида ўтказилди.

Ушбу андозаларга мувофиқ аудиторлик текшируви молиявий хисоботлар жиддий моддий
бузилишларга эга эмаслигига етарли даражада ишонч хосил қилиш мақсадида ўтказилиши лозим.

Биз томонимиздан ўтказилган мазкур текшириш корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти
ва молиявий хисоботлари тўғрисида етарлича фикр билдириш учун асос бўла олади.

Текшириш натижаларига асосланиб, «Андижон биокимё заводи» акциядорлик жамиятининг
2017 йил учун тузилган молиявий хисоботи, унинг молиявий ахволини хаққоний акс эттиради ва
мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари
Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия хисоби қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ
келади деб хисобланади.

Андижон ш. 2018 йил 07 март.

МЧЖ шаклидаги «ZIYO-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти раҳбари:
Аудитор:



Бурхонов З. Ф.
Абдурахмонова Т.Г.